

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

5-сон
(1077)
2023 йил
февраль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

30. «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги ПҚ–39-сон қарори
31. «Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги ПҚ–43-сон қарори
32. «2023 — 2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги ПҚ–44-сон қарори

Учинчи бўлим

33. «Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 2 февралдаги 50-сон қарори

Бешинчи бўлим

34. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 21 январдаги 1/13-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-2*)
35. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 31-yanvardagi 1-mh-son “Advokat tomonidan ishni olib borishga order shaklini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 31-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3417*)
36. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/13-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

30 Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги bosқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда кичик бизнес ва тадбиркорлик мухитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги тадбирларни тизимли равишда давом эттириш мақсадида:

1. 2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари (кейинги ўринларда — дастурлар) доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун камида 13 триллион сўм йўналтирилсин ва ушбу ресурсларнинг ҳудудлар кесимидаги мақсадли параметрлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, дастурлар доирасида 2,8 триллион сўм кредит маблағлари АТ Халқ банки, «Агробанк» АТБ ва «Микрокредитбанк» АТБнинг (кейинги ўринларда — ваколатли банклар) ўз ресурслари ҳисобидан ажратилади.

2. Белгилансинки, 2023 йил 1 февралдан бошлаб дастурлар доирасида: кредитлар устувор равишда дастурлар бўйича аввал кредитлардан фойдаланмаган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ажратилади;

аграр тармоқда ўз бизнесини ташкил этишга кўмаклашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш мақсадида узоқ муддатга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларини ижарага олиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган деҳқон хўжалиklари ва кичик тадбиркорлик субъектларига 50 млн сўмгача гаровсиз кредит берилади;

тадбиркорлик субъектларининг маҳаллаларда, шу жумладан ташкил этилган микромарказларда ишлаб чиқаришни, хизмат кўрсатиш соҳасини ва ҳунармандчиликни ҳамда аҳоли билан кооперация ва касаначиликни кенгайтиришга йўналтирилган лойиҳалари учун ҳоким ёрдамчиларининг тавсияномаси асосида ажратиладиган кредитлар миқдори амалдаги 225 миллион сўмдан 300 миллион сўмгача оширилади. Бунда, ташаббускор лойиҳада камида ўттиз фоиз улуш билан иштирок этиши лозим;

дастурлар доирасида илгари олган кредитларидан самарали фойдаланиб, тадбиркорлигини йўлга қўйган ва кредит тўловларини ўз вақтида амалга оширган кичик тадбиркорлик субъектларига фаолиятини янада кенгайтириши учун мазкур кредитлардан такроран фойдаланишга рухсат этилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 31 январда эълон қилинган.

имтиёзли кредитлардан фойдаланиб, даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғулланаётган фуқаролар қонунчиликда белгиланган йўналишлар бўйича ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида таснифланади;

ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра кредит суммасининг 10 миллион сўмгача бўлган қисми (хунармандлар учун 20 миллион сўмгача) банк карталарига (нақдлаштириш имкониятини чеклаган ҳолда) ўтказиб берилади;

ажратилган кредитларни ўз муддатида қайтармаган фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига дастурлар доирасида янги кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

3. Белгилансинки:

дастурлар доирасида кредитларни йиллик 14 фоиз ставкада ажратиш тартиби сақлаб қолинади;

мазкур қарорнинг 1-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган маблағлар доирасидаги ваколатли банкларнинг тижорат кредитлари бўйича фоиз харажатларининг бир қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалда белгиланган миқдор ва шартлар асосида қоплаб берилади;

Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш йўналишида томорқа ер эгаларига бериладиган микрокредитлар миқдори 3 миллион сўмгача оширилади ҳамда ушбу микрокредитлар Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилади;

дастурларни молиялаштириш учун Давлат бюджети, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда бошқа жамғармалардан ажратилган ресурсларнинг 2023-2024 йилларда сўндириладиган қисми ҳар ойда ваколатли банкларга дастурлар доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

4. Марказий банк, ваколатли банклар Персоналлаштириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июндан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш жараёнида қарз олувчини ID-картадаги (биометрик паспортдаги) биометрик маълумотлар асосида идентификация қилишни йўлга қўйсин.

Персоналлаштириш агентлиги, Ички ишлар вазирлиги ваколатли банкларга аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини рақамли верификациялаш учун биометрик маълумотлардан фойдаланишда амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Белгилансинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари тижорат банклари билан биргаликда дастурлар бўйича ажратилган кредитларнинг уларни сўндириш графигига мувофиқ белгиланган муддатларда қайтарилишига масъул ҳисобланади ва ҳар ой якуни билан муаммоли кредитларни ундириш бўйича амалга оширилаётган ишларни муҳокама қилиб боради;

худудларда ҳар ойлик кредитлаш ҳажмлари кредитларни сўндириш графигининг бажарилмаган қисмига мос равишда камайтиради;

туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари туман (шаҳар) оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда дастурлар ижросини, шу жумладан ажратилган кредитлар самарадорлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларида ҳисобот бериб бориши амалиёти жорий этилади.

6. Қуйидагиларга:

иқтисодиёт ва молия вазирининг, Марказий банк раисининг ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосарларига (дастур координаторларига) — ҳақиқий эҳтиёждан ҳамда молиялаштириш таклиф этилаётган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, ажратилаётган маблағларни ваколатли банклар ва вилоятлар кесимида тезкор қайта тақсимлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига ҳудудий оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари билан биргаликда — дастурлар доирасида ҳудудларга ажратилган маблағларнинг йиллик ва ойлик лимитларини туман (шаҳар) ва маҳалла (овул) кесимида тақсимлаш, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллалар лимитини ҳар ойнинг ўнинчи санасига қадар қайта кўриб чиқиш ваколати берилсин.

7. Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров Марказий банк раиси М. Нурмуратов ва ваколатли банклар билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар дастурлар доирасида ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида яна 2 трлн сўмга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Қўчқоров) бир ой муддатда мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда дастурлар доирасида кредит ажратиш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин.

9. Ҳисоб палатаси (Б. Турабов) ҳар чоракда дастурлар доирасидаги кредитлардан самарали фойдаланилганлиги ва уларнинг мақсадли ажратилганлиги бўйича ўрганишлар ўтказган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 31 январь,
ПҚ–39-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 31 январдаги
ПҚ-39-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2023 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги
лойиҳаларни молиялаштиришнинг худудлар кесимидаги
МАҚСАДЛИ ПАРАМЕТРЛАРИ**

Т/р	Худудлар номи	2023 йилда йўналтирилган маблағлар	аввал берилган кредитларнинг сўндирилиши ҳисобидан	Шундан:		ваколатли банкларнинг ресурслари ҳисобидан
				Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан	
	ЖАМИ:	13 000	6 900	3 381		2 719
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	950	457	342		151
2.	Андижон вилояти	1 100	596	275		229
3.	Бухоро вилояти	1 150	570	324		256
4.	Жиззах вилояти	790	364	135		290
5.	Қашқадарё вилояти	1 100	533	327		240
6.	Навоий вилояти	780	396	204		180
7.	Наманган вилояти	950	641	159		150
8.	Самарқанд вилояти	1 100	668	231		200
9.	Сурхондарё вилояти	1 091	572	278		241
10.	Сирдарё вилояти	600	319	181		100
11.	Тошкент вилояти	1 060	494	356		209
12.	Фарғона вилояти	1 100	636	214		249
13.	Хоразм вилояти	941	484	266		191
14.	Тошкент шаҳри	290	171	89		30

млрд сўм

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 31 январдаги
ПҚ–39-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ–3777-сон қарориди:

а) 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «жисмоний шахсларга» сўзларидан кейин «ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «225» рақами «300» рақами билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги «225» рақами «300» рақами билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3856-сон қарори 6-банди «в» кичик бандининг биринчи хатбошисидаги «225» рақами «300» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4231-сон қарориди:

а) 6-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, молия вазирининг ўринбосари Д.Ш. Султанов, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камаловлар» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирининг, Марказий банк раисининг ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларга товарлар (хизматлар) фискал белгили касса чеки асосида етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган) ва лойиҳа эгаси ундан қа-ноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги ПҚ–4539-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошисидаги «225» рақами «300» рақами билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-

ги ПҚ–4862-сон қарори 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ташқил этиш учун» сўзларидан кейин «ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларига» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–5041-сон қарорида:

а) 2-банднинг биринчи хатбошисидаги «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, молия вазирининг ўринбосари Қ.Х. Тапаров, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камалов» сўзлари «Иқтисодиёт ва молия вазирининг, Марказий банк раисининг ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«кредит олувчи жисмоний шахсларга товарлар (хизматлар) фискал белгили касса чеки асосида етказиб берилган (хизматлар кўрсатилган) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг кредит маблағлари маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисобрақамига ўтказиб берилади».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–55-сон қарорида:

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «давомида» сўзи «1 январдан бошлаб» сўзлари билан алмаштирилсин;

«г» кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) чорвачиликни ривожлантириш йўналишида кредитлар камида 10 бошдан 50 бошгача четдан келтирилган ёки маҳаллийлаштирилган (наслчилик хўжаликларида етиштирилган) ва чорва ҳайвонларини идентификациялаш тизимида акс этган чорва молларини (қорамол, қўй, эчки) боқиш учун ферма ташқил этишга берилади. Бунда, кредитлар ва харид қилинган чорва моллари (қорамол, қўй, эчки) тўғрисида ахборотлар «Online-mahalla» платформасидаги маълумотлар базасига мажбурий тартибда киритилади»;

б) 5-банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дастурлар доирасида илгари ажратилган кредит маблағлари бўйича мавжуд қарздорлиги тўлиқ сўндирилмаган (Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратиладиган кредитлар ҳамда қарздорлик белгиланган муддатларда тўлиқ сўндириб келинаётган кредитлар бундан мустасно), шунингдек, аввал ажратилган кредитлардан мақсадсиз фойдаланган қарз олувчиларга ушбу дастурлар орқали янги кредит ажратилишига рухсат этилмайди»;

в) 10-банднинг учинчи хатбошисидаги «иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, Марказий банк раисининг ўринбосари А.А. Камалов, молия вазирининг ўринбосари Д.Ш. Султановга» сўзлари «иқтисодиёт ва молия вазирининг, Марказий банк раисининг ҳамда камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирининг ўринбосарларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**31** **Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодийга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга дуч келган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини жадал қайта тиклаш мақсадида:

1. Тадбиркорлик субъектларининг 2023 йил 1 январга нисбатан 1 февраль ҳолатига ошган (ҳосил бўлган) солиқ қарзини 2023 йил 1 мартдан 1 июлга қадар фоизларсиз, қўшимча шартлар қўймасдан ва таъминот талаб этмасдан тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилсин.

Солиқ қўмитаси солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш тўғрисидаги аризаларни 5 кунгача муддатда кўриб чиқсин. Бунда, ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши даврида тўлиқ қувватда ишлай олмаган солиқ тўловчиларнинг январь ойи якуни бўйича ҳосил бўлган солиқ қарзини бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти ҳам берилсин.

2. Тадбиркорлик субъектларининг солиқ қарзига пеня ҳисоблаш 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатилсин.

3. Ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўлланилиши, шунингдек, мазкур қарор кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатилсин.

4. Тадбиркорлик субъектларига 2022 йил декабрь ва 2023 йил январь-февраль ойларида давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловларини 2023 йил 1 мартдан бошлаб 1 июлга қадар тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилсин.

Давлат мулкидан фойдаланиш юзасидан 2022 йилдан буён амалда бўлган ижара шартномалари бўйича ижара тўловлари миқдори 2023 йил 1 апрелга қадар ўзгаришсиз қолдирилсин.

5. Тадбиркорлик субъектлари томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олинган давлат активлари бўйича 2022 йил декабрь ва 2023 йил январь ойларида тўланиши лозим бўлган тўловлар, шу жумладан дастлабки тўлов тўланмаганлиги учун фоизлар ва пенялар ҳисоблаш 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатиб турилсин.

6. Белгилансинки, 2022 йил декабрь ва 2023 йил январь ойларида давлат харидлари доирасида тузилган шартномалар шартлари ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши туфайли бажарилмаганлиги учун тадбиркорлик субъектларига давлат буюртмачилари (шу жумладан, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган корхоналар) томонидан жарима ва пенялар қўлланилмайди.

7. Ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида қийинчиликларга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 4 февралда эълон қилинган.

дуч келган тадбиркорлик субъектларига нисбатан 2023 йил 1 апрелга қадар давлат фойдасига ундирувлар билан боғлиқ суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси тўхтатиб турилсин.

8. Марказий банк (М. Нурмуратов) тижорат банклари билан биргаликда жорий қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши туфайли талафот кўрган тадбиркорлик субъектларининг:

кредитлари бўйича 2023 йил январь — март ойлари учун тўловлар муддати 2023 йил 1 июнга қадар узайтириш;

муддати ўтган кредитларига жарима санкциялари ва гаров таъминоти бўйича 2023 йил 1 апрелга қадар ундирув чораларини қўлламаслик;

фаолияти узлуксизлигини таъминлашга, шу жумладан вақтинчалик пул оқимларидаги узилишларини қоплаш ва айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилган қисқа муддатли (револьвер) кредит маҳсулотларини олдиндан маъқулланган (модул) қарорлар асосида таклиф этиш;

носоз ҳолга келган асосий воситаларини таъмирлаш учун кредитлар ажратиш;

кредит бюрolariда кредитлари бўйича тўловлар муддатининг узайтирилишини уларнинг кредит тарихи ва скоринг кўрсаткичларини текширишда инобатга олмаслик бўйича тегишли чоралар кўрсин.

Бунда, муддати узайтирилаётган кредитлар сифати ёмонроқ таснифланмайди ҳамда ушбу кредитлар бўйича қўшимча эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантириш талаб этилмайди.

9. Белгилансинки, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши оқибатида носоз ҳолга келган асосий воситаларни таъмирлаш учун ажратилган кредитлар бўйича:

кредит суммасининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам киради), лекин умумий қиймати 2,5 млрд сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;

фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ асосий ставканинг 30 фоизидан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредитнинг бутун даври, бироқ кредит олинган кундан бошлаб 24 ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида компенсация тақдим этилади.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев), Энергетика вазирлиги (Ж. Мирзамаҳмудов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (А. Воитов), манфаатдор вазирликлар билан биргаликда энг кўп талафот кўрган тармоқларга жорий йилнинг I чорагида қўшимча манзилли ёрдам кўрсатиш чораларини кўрсин.

11. Иқтисодиёт ва молия вазири Ш. Кудбиев 2023 — 2025 йилларга мўлжалланган Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида йилдан-йилга ўтувчи объектларда бошланган қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун 2023 йил 1 февралдан бошлаб молиялаштиришни бошласин.

12. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л. Кудратов) ва Савдо-са-

ноат палатаси (Д. Вахобов) жорий қиш мавсумида ҳаво ҳароратининг кескин совиб кетиши туфайли талафот кўрган тадбиркорлик субъектларининг мурожаатлари асосида бир кун муддатда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини кўриб чиқсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 февраль,
ПҚ-43-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**32** 2023 — 2025 йилларда Қашқадарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Қашқадарё вилоятида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бўш турган давлат активлари, мавжуд табиий ресурслар захиралари, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидаги ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қиймат занжирини яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида:

1. Қўйидагилар Қашқадарё вилоятини 2023 йилда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш;

фойдаланилмаётган давлат активлари ҳамда мавжуд табиий ресурслар захираларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;

маҳаллалар ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда маҳаллаларда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида микромарказларни ташкил этишни янада жадаллаштириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонлари ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш;

вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро автомобиль йўли атрофида йўлбўйи инфратузилмасини ҳамда туризм, таълим ва тиббий хизматлар кўрсатишни ривожлантириш, шунингдек, янги иш ўринларини яратиш.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Қашқадарё вилоятининг 2023 йил учун асосий мақсадли кўрсаткичлари белгилансин:

ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмини 59 032 миллиард сўмга;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 24 012 миллиард сўмга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 31 456 миллиард сўмга;

хизмат кўрсатиш ҳажмини 19 900 миллиард сўмга;

даромадли меҳнат билан банд бўладиган аҳоли сонини 440 минг нафарга;

ҳудудий экспорт ҳажмини 325,9 миллион АҚШ долларига етказиш.

3. Қўйидагилар:

Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш юзасидан 2023 —

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 6 февралда эълон қилинган.

2025 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 1-иловага* мувофиқ;

2023 — 2025 йилларда тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш тадбирларининг манзилли рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ва хом ашё захираларини чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида 2023 йилнинг I чораги якунига қадар аукцион савдоларига чиқариладиган захираларга эга 46 та ер қаъри участкалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2023 йилда саноат, ҳунармандчилик, касаначилик, чорвачилик, савдо ва хизмат кўрсатиш йўналишларида микромарказлар ташкил этиладиган маҳаллалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2023-2024 йилларда ташкил этиладиган кичик саноат зоналари ва уларни муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш тадбирларининг манзилли дастурлари 5-, 5а-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорга 3-иловада келтирилган захираларга эга 46 та ер қаъри участкаларининг 2023 йил 1 майга қадар аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, 5а-иловага мувофиқ тасдиқланаётган дастур бўйича:

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш Қашқадарё вилояти маҳаллий бюджети ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича лойиҳа ташкилоти белгиланган тартибда аниқланади;

объектларни молиялаштириш кичик саноат зоналарининг бош режалари ишлаб чиқилганидан сўнг белгиланган тартибда таъминотчи ташкилотлар томонидан берилган техник шартлар асосида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

6. Белгилансинки, Қашқадарё вилоятида жойлашган давлат активларини сотишнинг қуйидаги тартиби жорий этилади:

а) эксперимент тариқасида:

аукцион савдоларида 3 ойдан ортиқ муддат мобайнида сотилмасдан турган 6-иловадаги* 72 та давлат активлари уларнинг нархи белгиланган қийматнинг 50 фоизига қадар қадам-бақадам камайтирилган ҳолда савдога чиқарилади;

нархи 50 фоизгача арзонлаштирилган, бироқ бир йилдан ортиқ муддат мобайнида савдога турган 7-иловадаги* 40 та давлат активларининг аукцион савдоларида сотилган нархидан қатъи назар уларнинг харид тўловларини 3 йил муддатда тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилади;

* 1 — 7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) 2025 йил 1 январга қадар олти ой давомида аукцион савдоларида сотилмаган давлат активлари баҳоланган нархнинг 50 фоизи миқдориди пайсайтирилган нархда савдога қўйилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг Қашқадарё вилояти туманларида кичик саноат зоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари ва бошқа саноат объектларини барпо этиш мақсадида 8-иловага* мувофиқ жами 206,0 гектар, шундан 32,1 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган ерларни қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

8. Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 8-иловада белгиланган ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши муносабати билан ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга тегишли ўзгартиришлар киритсин.

9. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги:

ер участкаларининг ер фонди тоифаси ўзгартирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрни белгиланган тартибда қопланишини;

ер участкаларининг жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва ижарачиларининг, кўчмас мулк объектлари мулкдорларининг кўрган зарарлари (компенсация бериш харажатлари) қонунчиликда белгиланган тартибда қопланишини;

жамоат эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда олиб қўйилган ер участкалари давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилишини ва Ер кодексида белгиланган тартибда реализация қилинишини таъминласин.

10. Қашқадарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида фойдаланишдан чиқиб кетган жами 5 439 гектар ер майдонини 2023 йилда қайта фойдаланишга киритишнинг мақсадли кўрсаткичлари 9-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда сув тежовчи технологияларнинг жорий қилиниши, лазерли текислаш тадбирларининг амалга оширилиши ҳамда фойдаланишдан чиқиб кетган ер майдонларининг қайта фойдаланишга киритилишини таъминласин.

11. Қуйидагилар:

Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳамда Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитасидан Қашқадарё вилоятининг тегишли туманлари ҳокимликлари захирасига ўтказиладиган 20 минг гектар ер майдони 10-иловага* мувофиқ;

Қашқадарё вилоятининг тегишли туманлари ҳокимликлари захирасига ўтказиладиган 20 минг гектар ҳамда фойдаланишдан чиққан 10 минг гектар

* 8 — 10-илловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ер майдонларида 2023 — 2025 йилларда анор ва бошқа экинларни жойлаштиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 10а-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 сентябрдаги «Дехқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–373-сон қарорига мувофиқ 2023 йилда фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган 10 530 гектар экин майдонлари 11-иловага* мувофиқ аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

13. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдонларига «Бир ҳудуд — бир маҳсулот» тамойили асосида маҳаллаларнинг ихтисослашуvidан келиб чиққан ҳолда экилишини;

2023 йилда аҳолига очик электрон танлов орқали ижарага бериладиган ер майдонларида экинларни экиш ва ҳосил олиш ҳисобининг юритилишини;

деҳқон хўжаликларига илғор технологиялардан фойдаланиш ва деҳқончиликда самарали натижаларга эришишда кўмаклашиш ҳамда ўқув семинарлари ташкил этилишини;

қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлган ер эгаларига суғориш воситаларини харид қилиш, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун субсидиялар ажратилишини;

иссиқхона тармоғи кенг ривожланган туманларда деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган экин майдонларида иситиш тизимларини ўрнатмасдан энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилишига имтиёзли кредит маблағларининг ажратилишини таъминласин.

14. Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Марказий банк, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги 2023 йил давомида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида Қашқадарё вилоятига 1,1 триллион сўм кредит ресурсларини ажратсин.

15. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда уч ой муддатда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда «Climate Smart» технологияларидан фойдаланиш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш бўйича тадбиркорлик субъектлари учун тавсиявий пакетлар ишлаб чиқсин ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари учун ўқув семинарларини ташкил этсин.

16. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2023 йил 1 майга қадар Қашқадарё вилоятида 2023 йилда аҳолига янги деҳқон хўжаликлари ташкил қилиш учун очик электрон танлов орқали ижарага берилиб, ер участкасига ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган экин ерлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

* 10а-11-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

17. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда тижорат банклари билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар Қарши шаҳри, Қамаш ва Шаҳрисабз туманларида юқори салоҳиятга эга ҳудудларнинг мастер-режалари ишлаб чиқилишини яқунласин.

Бунда:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мастер-режалар асосида бўш ер майдонларини аукцион савдоларига чиқарсин;

тижорат банкларига мастер-режалар асосида амалга ошириладиган сервис ва савдо объектларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда:

2023 йил 1 сентябрга қадар Кўкдала ва Ғузор туманларидаги 10 та кўп қаватли тураржой биноларини қуриш ишлари яқунланишини таъминласин;

2023 йил 1 мартга қадар Китоб ва Қарши туманларида белгиланган тартибда «Янги Ўзбекистон» массивларини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

19. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПҚ–331-сон қарори билан тасдиқланган Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик йўналишларида ташкил этиладиган микромарказларнинг манзилли рўйхати «V. Қашқадарё вилояти» бўлимининг «Микромарказларни ишга тушириш муддати» устунидаги «2022 йил октябрь», «2022 йил ноябрь», «2022 йил декабрь» сўзлари «2023 йил июль» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қашқадарё вилояти ҳокими М.Б. Азимов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 3 февраль,
ПҚ–44-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

33 Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 10 июндаги ПҚ–277-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, ерлар деградациясига қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудларда қурғоқчилик ва чўлланишнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, ушбу йўналишда илғор илмий ишланмалар ва инновациялардан кенг фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ–277-сон қарори билан тасдиқланган Ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш ва уларнинг олдини олиш ҳамда тупроқларни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар режасининг 1-бандига мувофиқ Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда натижаларни чоп этиш тартибини белгилаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари мониторингини ташкил этиш ва ҳисоботларни қабул қилиш тартиби;

ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари натижаларини чоп этиш тартиби;

ерлар деградацияси, чўлланиши ва қурғоқчилик, унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги материаллардан фойдаланиш тартиби.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар ерлар деградацияси, қурғоқчилик ва чўлланишга оид маълумотлар, уларга қарши курашиш тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар ахборот базасини яратиш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг интеграциялашган ягона ахборот тизими негизи-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 3 февралда эълон қилинган.

да «Ер деградацияси» геоахборот порталини ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий қилсин.

4. Белгилансинки:

ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларининг мониторингини юритиш, баҳолаш ва зарур чора-тадбирларни белгилаш мақсадида Сув хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — масъул идоралар) ҳамда табиий ресурсларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи йирик саноат корхоналари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва бошқалар) томонидан глобал иқлим ўзгариши, қуруқчилик, чўлланиш, табиий ва техноген хавф мавжуд бўлган ҳудудлар, экологик, гидрогеологик, гидрометеорологик, агрометеорологик ва статистик маълумотлар ҳамда ҳисоботлар (кейинги ўринларда — маълумотлар ҳамда ҳисоботлар) ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим қилиб борилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги талабига мувофиқ масъул идоралар ҳамда табиий ресурсларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи йирик саноат корхоналари томонидан маълумотлар ҳамда ҳисоботларни бериш, зарур ҳолларда танланган ҳудудларда ерлар деградацияси ва уларга қарши курашиш тадбирлари юзасидан мониторинг қузатувларини ўтказиш беғараз амалга оширилади;

давлат ва нодавлат ташкилотларга республика ҳудуди бўйича маълумотлар ҳамда ҳисоботлар, ерлар деградацияси ва уларга қарши курашиш тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг «Ер деградацияси» геоахборот тизими орқали тақдим этилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ерлар деградацияси ва уларга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар йили 1 апрелга қадар Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган ҳисобот киритиб боради.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 2 февраль,
50-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 2 февралдаги 50-сон қарорига
ИЛОВА

**Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини
мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб
чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ерлар деградациясининг кескинлашуви, глобал иқлим ўзгариши, қурғоқчилик ва чўлланишнинг салбий оқибатларини юмшатиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш мақсадида мониторинг ишларини амалга ошириш, бу борада вазирликлар ва идоралар ўртасида маълумотлар алмашинувини таъминлаш ҳамда деградацияга қарши курашиш тадбирларини бажариш, ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

мониторинг — ер ва сув ресурсларидан, ўрмонлар ва яйловлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, табиий ҳолатни яхшилаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш, экологик мувозанатни тиклаш, деградацияга учраган майдонларни аниқлаш, деградацияга қарши курашиш ва олдини олиш тадбирлари бажарилишини ўрганиш мақсадида ерни кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболни белгилашга қаратилган тадбирлар мажмуаси;

ерлар деградацияси — табиий (қурғоқчилик, рельеф хусусиятлари, ёнғинлар миқдорининг меъёрдан ортиши, сув тошқинлари, кучли шамоллар, табиий ёнғинлар, ботқоқлашиш) ва антропоген (тоғ-кон саноати, муҳандислик коммуникацияларини қуриш; сунъий ёнғинлар, нотўғри чорвачилик ва деҳқончилик, самарасиз ирригация, ўрмонларнинг кесилиши, шаҳарларнинг кенгайиши ва бошқалар) омиллар таъсирида ерларнинг биологик ва иқтисодий маҳсулдорлиги камайиши ёки йўқотилиши;

қурғоқчилик — атмосферадаги (ёнғингарчиликнинг ўртача йиллик даражасидан паст) намликнинг, ер усти ёки ер ости сувларининг узоқ вақт давомида танқислиги;

чўлланиш — қурғоқчил, ярим адир ва адир минтақаларда инсон фаолияти жараёнлари (антропоген сабаблар) ва табиий омиллар туфайли ерлар деградациясининг кескинлашуви;

сув эрозияси — сув оқимлари таъсирида ўпирилиш, емирилиш, ювилиш ва ётқизиклар ҳосил бўлиши жараёнлари ҳисобига тоғ жинслари ва тупроқ таркибининг бузилиши ёки йўқотилиши;

шамол эрозияси (дефляция) — тупроқнинг энг кичик зарралари кучли шамол таъсирида учуриб кетилиши ва бошқа ҳудудга кўчиши. Сахро ва

чўлларда дефляция қора тўфонлар, самум ва хамсин бўронларини келтириб чиқариши;

денудация (геологик эрозия) — тоғ ва қирликлардан тоғ жинсларининг учиши ва таркиби бузилиши, ботик ҳудудларга ётиши каби табиий-кимёвий жараёнлар натижасида рельефнинг текисланиши;

интразонал тупроқ — маълум бир ҳудуднинг иқлим шароитига мос келмаган ҳолда шаклланган ернинг устки қатлами тури;

махсус муҳофазага олинадиган ерлар — сув эрозияси таъсирида ер устки унумдор қатлами ювилиб кетган, тупроқнинг жуда кучли шўрланиши натижасида яроқсиз ҳолатга келиб қолган ҳамда яйловларда ўсимлик қоплами бутунлай йўқолиб кетган ҳудудларнинг реабилитация қилиш мақсадида муҳофазага олинаши;

ерларни консервация қилиш — деградацияга (шўрланишга, чўлланишга, ботқоқлашишга учраш ҳамда яйлов ва пичанзорларда тупроқ-ўсимлик қопламининг жиддий таназзули) учраган, кам маҳсулдор, ҳосилдорлиги жуда пасайган ва табиий хусусиятлари бўйича салбий тавсифларга эга тупроқни, юқори даражада заҳарли саноат чиқиндилари, радиоактив моддалар, оғир металллар ва бошқа кимёвий элементлар билан ифлосланган қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини тиклаш, бузилган ерларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини ва деградация суръатларини пасайтириш ҳамда олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун уларни беш йилдан кам бўлмаган муддатга мақсадли фойдаланишдан чиқариш;

реабилитация — турли хил деградацияга учраган майдонларда тупроқ унумдорлигини ҳамда яйловларнинг ўсимлик қопламини қайта тиклаш.

3. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар, ўрмон ва сув фонди ерлари ҳамда тоғ-кон ва бошқа саноат корхоналарига ажратилган ерлар — ер деградациясига қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш жараёнларини мониторинг қилиш объекти ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш масалалари бўйича департаменти (кейинги ўринларда — Департамент), Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг Ерлар деградациясига қарши курашиш бўлими ходимлари, шунингдек, «Ўздаверло-йиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда — «Ўздаверло-йиҳа» ДИЛИ) ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти (кейинги ўринларда — Институт) мутахассислари ер участкаларининг мулкчилик шакли, ҳуқуқий режими, хусусияти ва фойдаланиш муддатларидан қатъи назар, ҳудудларда мониторинг ишларини амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда — Қишлоқ хўжалиги вазирлиги) ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида ерлар деградацияси жараёнлари билан курашиш бўйича давлат дастурлари ва истикболга мўлжалланган стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда иштирок этувчи вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ерлар деградациясининг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича берилган кўрсатмалар манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар учун бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг Ерлар деградациясига қарши курашиш бўлими ходимлари ерлар деградацияси, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш бўйича «Ўздаверлойиҳа» ДИЛИ ҳамда Институтнинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари мониторингини ташкил этиш ва ҳисоботларни қабул қилиш тартиби

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги, Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги, Фанлар академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари (кейинги ўринларда — масъул вазирликлар ва идоралар) ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш учун масъул ҳисобланадилар.

Табиий ресурсларни қазиб олувчи ва қайта ишловчи йирик саноат корхоналари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ ва бошқалар) (кейинги ўринларда — саноат корхоналари) ер деградациясига қарши курашиш, салбий оқибатларини бартараф этиш тадбирлари ва уларнинг белгиланган тартибдаги техник-иқтисодий асослари ёки атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш лойиҳасини келишиш учун табиий ресурсларни қазиб олишни бошлашдан ўн беш кун олдин Департаментга тақдим этади.

Саноат корхоналари томонидан тақдим этилган ерлар деградацияси жараёнларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, салбий оқибатларини бартараф этиш тадбирлари ва уларнинг техник-иқтисодий асослари Департамент томонидан лойиҳа олинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида келишилади.

9. Масъул вазирликлар ва идоралар ҳамда саноат корхоналари ўзларига бириктирилган вазифалар ва ваколатлардан келиб чиқиб ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-кунига қадар Департаментга қуйидагиларни тақдим этади:

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан — мелиорация тадбирлари, ер ости сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви, суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ;

Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан — тоғ ёнбағирлари, жарликлар ва ташландик ерларда эрозияга қарши дарахтзорлар барпо этиш тадбирлари тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.1-иловага* мувофиқ;

Табиат ресурслари вазирлиги томонидан — муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар деградацияси, тупроқни ифлослантириш манбалари жойлашган ҳудудлар мониторинги, қаттиқ майший чиқиндилар тўпланадиган ҳудудларда тупроқни ифлослантирувчи манбалар мониторинги тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.2-иловага* мувофиқ;

Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан — конлар жойлашган ҳудудлар ерлари ҳамда хомашё чиқиндихоналари жойлашган ҳудудлар деградацияси тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.3-иловага* мувофиқ;

Табиат ресурслари вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги томонидан:

қишлоқ хўжалиги экинлари ва яйлов ўсимликларининг ҳозирги ва сўнгги 10 йиллик ҳолати тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.4-иловага* мувофиқ;

тупроқ ифлосланиши тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.5-иловага* мувофиқ;

республика ҳудудларида сўнгги 10 йилда иқлим ўзгариши тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.6-иловага* мувофиқ;

республикада ўртача йиллик ҳаво ҳароратининг меъёрга нисбатан ўзгариши тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.7-иловага* мувофиқ;

республика ҳудудларида мавсумлар бўйича устунлик қилувчи шамоллар йўналиши ва тезлиги тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.8-иловага* мувофиқ;

республика ҳудудларида энг кўп кузатиладиган сув тошқинлари, бўронлар ва аномал ҳолатлар ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.9-иловага* мувофиқ;

метеорологик кузатув пунктларидаги мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.10-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан ерлар деградациясига қарши курашиш ҳамда тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш, сақлаш ва ошириш бўйича амалга оширилган илмий ишлар ва лойиҳалар тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.11-иловага* мувофиқ;

Саноат корхоналарига бириктирилган ҳудудлардаги тупроқ деградацияси ва ифлосланиши тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 2.12-иловага* мувофиқ.

10. Масъул вазирликлар ва идоралар ерлар деградацияси ва унга қарши курашиш тадбирларига оид маълумотларни «Ер деградацияси геоахборот тизими»нинг электрон харитасига (қатламлар ва атрибутлар асосида) мунтазам

* 2 — 2.12-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

онлайн тарзда киритиб борадилар. Мазкур маълумотлар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган регламентга мувофиқ ягона классификаторлар асосида WGS-84 координаталар тизимига киритилади.

11. Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари юзасидан ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик, маълумотларни бузиб кўрсатиш ёки ҳисоботни тақдим этиш муддатини кечиктириш ҳолатлари аниқланган тақдирда, мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича беш кун муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан огоҳлантириш хати юборилади.

Камчиликлар огоҳлантириш хати олинган кундан бошлаб ўн иш кунида бартараф этилиши ва якуни бўйича тақдоран ҳисобот тақдим қилиниши лозим.

12. Департамент, «Ўздаверлойиха» ДИЛИ, Институт ва уларнинг ҳудудий бўлимлари томонидан ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари юзасидан ҳудудларни танлаш асосида ўрганишлар ташкил этилади.

Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини танлаш асосида мониторинг қилиш ва ўрганиш ишларини ўтказиш Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

13. Масъул вазирликлар ва идоралар ҳамда саноат корхоналаридан олинган ҳисоботлар Департамент томонидан таҳлил қилиниб, беш иш куни ичида мониторинг ўтказиш ҳамда маълумотларни «Ер деградацияси геоахборот тизими»га киритиш учун «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва Институтга юборилади.

14. Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари бажарилиши юзасидан мониторинг «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ҳамда Институт томонидан сув ва ўрмон фонди ерларида ҳамда саноат корхоналарига бириктирилган ерларда танлаш асосида йил давомида, яйлов ерларда эса март-сентябрь ойларида ўтказилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Бунда мониторинг ишларида ерлар деградацияга учраган майдонларни, турлари (сув ва шамол эрозияси, денудация, қурғоқчилик, чўлланиш)ни аниқлаш, келиб чиқиш сабабларини ўрганиш назарда тутилади.

15. «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолашда:

шамол ва сув эрозияси таъсирига учраган ерларни қайта тиклаш, лалми ва яйлов ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, деградацияга учраган ерларда барпо этилган дарахтзорлар ҳисобини юритишда фойдаланиш учун рақамли ер тузиш харитасини яратади, ишлаб чиқаришга жорий этади;

геоботаник тадқиқотлар ўтказиш, ерларни масофадан зондлаш ва яйловлар ҳисобини юритиш материаллари асосида рақамли яйлов классификаторини ишлаб чиқади;

деградацияга учраган ерларни учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида оп-

тик ва мультиспектрал тасвирга олиш ишларини амалга оширади, ушбу ерларни хатловдан ўтказди, топо-геодезик, картографик материалларни ишлаб чиқади;

деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш мақсадида эрозияга учраган ерларнинг ҳақиқий майдонларини аниқлайди ва маълумотлар базасини шакллантиради;

ерлар мониторингини юритади, масофадан зондлаш орқали эрозияга учраган ерларни аниқлаб «Ер деградацияси геоахборот тизими»да маълумотларни янгилаб боради;

ер деградациясига қарши курашиш ва унинг олдини олиш, яйловлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сақлаш, қайта тиклаш, кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга киритиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади.

16. Институт ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолашда:

тупроқ мониторингини юритади;

мажмуавий тупроқ ва агрокимёвий тадқиқотларни ўтказди;

деградацияга учраган қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқ сифатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

тупроқ муҳитини меъёрлаштириш ва янги технологияларни қўллаш орқали деградацияга учраган тоғ олди зоналари тупроқларини тиклаш ва эрозиянинг олдини олишга доир агротехник тадбирлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

тупроқ сифати (бонитировка)ни баҳолайди, тупроқ шўрланиши ва экологик ҳолати (Soil Quality Index) хариталарини, агрокимёвий хариталарни ва интеграциялашган агротехнологияларни тузади;

яйловларнинг биохилма-хиллигини, иқлим ўзгаришига таъсирини, ўсимликлар яшовчанлигини ўрганади, баҳолайди, маҳсулдорлигини ошириш бўйича агротехнологик тавсиялар ишлаб чиқади;

тупроқ деградациясига қарши курашиш, олдини олиш, янги турдаги ўғитлардан фойдаланиш, деградацияга мойил тупроқда экинларни алмашлаб экиш, чўлланишга учраган суғориладиган интразонал тупроқ унумдорлигини тиклаш ва сақлаш, лалми ерлар тупроқ деградациясининг олдини олиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқади;

деградацияга учраган майдонларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва шу асосида деградация даражасини аниқлайди;

тупроқдаги гумус миқдорини ошириш, шўрланишни камайтириш, деградацияга учраган яйловларни қисқартириш, қишлоқ хўжалиги ерларида ихота дарахтзорларини барпо қилиш ва ўрмон билан қопланган минтақаларни кенгайтириш зарур бўлган ер участкаларини аниқлайди, манзилли рўйхатни шакллантириб «Ер деградацияси геоахборот тизими»га киритади.

17. Мониторинг натижалари бўйича «Ўздаверлойиҳа» давлат илмий лойиҳалаш институти томонидан ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ, Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

институти томонидан ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини мониторинг қилиш ва баҳолаш тўғрисидаги маълумот ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ тузилади.

18. Мониторинг ҳамда тупроқ тадқиқоти натижаларига кўра ер майдонлари деградацияси даражаси қуйидагича баҳоланади:

- ернинг тузилиши бузилмаган (ЕТБ);
- антропоген таъсирда бузилган (АТБ);
- деградацияга учрамаган (ДУ);
- кучсиз деградацияланган (КзД);
- ўрта деградацияланган (ЎД);
- кучли деградацияланган (КД);
- ўта кучли деградацияланган (ЎКД).

«Ер деградацияси геоахборот тизими»даги электрон рақамли хариталарда деградацияга учраган ерлар юқоридаги баҳолаш даражаларига мувофиқ ажратилган ҳолда тегишли ранглар ва шартли белгилар билан акс эттирилади.

19. «Ўздаверлойиха» ДИЛИ ва Институт жойларда ўтказилган мониторинг маълумотлари ҳамда ернинг сунъий йўлдошлари, учувчисиз учиш қурилмаларидан олинган фотосуратларни турли индекслар орқали таҳлилдан ўтказиб, қишлоқ хўжалиги ерлари, ўрмонлар ва яйловлардаги деградация жараёнлари, қурғоқчилик, чўлланиш, табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини ўрганади, илмий асосланган хулосалар асосида деградацияга қарши курашиш тадбирлари лойиҳасини шакллантиради ва топшириқ олинган кундан бошлаб ўттиз иш кунидан кечиктирмаган ҳолда Департаментга ҳисобот тарзида тақдим этади.

Ҳисоботда қуйидаги маълумотлар ўрин олиши лозим:

а) «Ўздаверлойиха» ДИЛИ томонидан:

мониторинг ёки тадқиқот ўтказилган ҳудуд ёки объект номи;

ердан фойдаланувчилар ва уларга бириктирилган ер майдонлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (ҳудуднинг геолокацияси, умумий ер майдони, контур рақами, ер турлари);

деградацияга учраган майдон, сабаблари, турлари ва салбий таъсир баҳоланган таҳлилий маълумотлар;

учувчисиз учиш қурилмалари ёрдамида олинган ортофотопланлар, фото ва видео материаллар;

деградацияга учраган ерларни тиклаш учун амалга ошириладиган тадбирлар, талаб этиладиган аниқ муддатлари кўрсатилган илмий асосланган амалий тавсиялар;

б) Институт томонидан:

мониторинг ёки тадқиқот ўтказилган ҳудуд ёки объект номи;

ердан фойдаланувчи ва уларга бириктирилган ер майдонлари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (ҳудуднинг геолокацияси, умумий ер майдони, контур рақами, ер турлари);

тупроқ намуналари;

тупроқ деградацияси маълумотлари;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

баҳолаш мезонлари асосида ерлар деградацияси ва унинг салбий таъсирини баҳолаш маълумотлари;

деградацияга учраган ҳудуднинг электрон рақамли тупроқ харитаси;

тадқиқот ўтказилган ҳудуд бўйича фото ва видео материаллар;

деградацияга учраган ерларда тупроқ унумдорлигини тиклаш учун амалга ошириладиган тадбирлар юзасидан аниқ муддатлари кўрсатилган илмий асосланган амалий тавсиялар.

20. Департамент мониторинг ҳисоботларини ўн беш иш кунида кўриб чиқади, қуйидаги хулосалардан бирини қабул қилади:

мониторинг натижаларига кўра ўрганилган ҳудудда деградация ҳолатлари мавжуд эмаслиги тўғрисида;

мониторинг натижаларига кўра ўрганилган ҳудудда деградация ҳолатлари мавжудлиги тўғрисида.

Департамент хулосаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

Мониторинг натижаларига кўра ўрганилган ҳудудда деградация ҳолатлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, беш иш кунида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатма (кейинги ўринларда — мажбурий кўрсатма) лойиҳаси ишлаб чиқиладиган ҳамда қишлоқ хўжалиги вазири томонидан имзоланади.

Мажбурий кўрсатма уч иш кунида тегишли масъул вазирликлар ва идоралар ёки саноат корхоналарига ижро учун юборилади.

Мажбурий кўрсатманинг ижро муддати Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 791-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги ерларини консервация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ кучли ва ўта кучли деградацияланган ҳудудлар махсус муҳофазага олиниши, заруратга кўра консервация қилиниши лозим бўлган ҳолларга нисбатан қўлланилмайди.

21. Масъул вазирликлар ва идоралар ёки саноат корхоналари мажбурий кўрсатмани олган кундан бошлаб камчиликларни бартараф қилиш чорасини кўради ҳамда амалга оширилган ишлар якунига кўра бир ҳафта муддатда Департаментга асосланган маълумот киритади.

22. Антропоген омиллар таъсирида ерлар деградациясига йўл қўйилган ҳолатлар аниқланганда, унинг содир бўлишига йўл қўйган, бу ишларни қасдан содир этган (турли хил чиқиндилар билан ифлослантирган), тегишли хулосалар ва рухсатномаларга эга бўлмаган ҳолда қазिश ва тупроқ унумдор қатламга зарар етказиш ҳолатлари юзасидан маълумотлар ваколатли органларга қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўриш учун тақдим қилинади.

3-боб. Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирлари натижаларини чоп этиш тартиби

23. Қишлоқ хўжалиги вазири томонидан ерлар деградацияси, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар илмий-амалий тавсиялар, соҳага оид дол-

зарб мавзудаги мақолалар билан биргаликда «Миллий ҳисобот» тарзида ҳар йили апрель ойида нашр қилинади.

24. «Миллий ҳисобот»га нашр қилиш учун материаллар масъул вазирликлар ва идоралар, саноат корхоналари ҳамда соҳага алоқадор хорижий ва маҳаллий илмий-тадқиқот институтлари, шунингдек, мустақил тадқиқотчилар ва олимлар томонидан ҳар йили 1 февралга қадар тақдим этилиши лозим.

4-боб. Ерлар деградацияси, чўлланиш ва қурғоқчилик, унга қарши курашиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисидаги материаллардан фойдаланиш тартиби

25. Ерлар деградацияси, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги якуний ҳисобот Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан йил якуни бўйича келгуси йилнинг биринчи чораги давомида Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

26. Ерлар деградациясига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг натижаларини чоп этиш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****34 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/4-сон қарори (рўйхат рақами 3224, 2020 йил 10 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.03.2020 й., 10/20/3224/0312-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Раис**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 21 январь,
1/13-сон

Келишилди:

**Рақамли технологиялар
вазирли****Ш. ШЕРМАТОВ**

2023 йил 13 январь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 1 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2023 йил
21 январдаги 1/13-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари
автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза
қилиш тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом тижорат банкларининг (бундан буён матнда банк деб юритилади) автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди».

2. 91-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«91. Электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати электрон рақамли имзо рўйхатга олинган пайтдан эътиборан йигирма тўрт ойдан ошмаслиги керак. Бунда электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддати икки мартадан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Фойдаланувчиларнинг электрон рақамли имзо очиқ калитларини автоматлаштирилган банк тизимида рўйхатга олиниши ва ҳисоби юритилиши керак.».

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I**35 Advokat tomonidan ishni olib borishga order shaklini tasdiqlash to‘g‘risida***

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2023-yil 31-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3417

O‘zbekiston Respublikasining “Advokatura to‘g‘risida”gi Qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 30-maydagi PQ–263-son “Advokatura faoliyatiga zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. Advokat tomonidan ishni olib borishga order shakli ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. O‘zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2009-yil 8-apreldagi 91-mh-son “Advokat tomonidan ishni olib borishga order shaklini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (ro‘yxat raqami 1938, 2009-yil 8-aprel) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2009-y., 15-son, 195-modda) o‘z kuchini yo‘qotgan deb topilsin.

3. Mazkur buyruq O‘zbekiston Respublikasi Advokatlar palatasi bilan kelishilgan.

4. Mazkur buyruq 2023-yil 1-fevraldan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir

A. TASHKULOV

Toshkent sh.,
2023-yil 31-yanvar,
1-mh-son

Kelishildi:

Advokatlar palatasi raisi

A. ERNAZAROV

2023-yil 25-yanvar

* “Ushbu buyruq Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi”da 2023-yil 1-fevralda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
adliya vazirining 2023-yil 31-yanvardagi
1-mh-son buyrug'iga
ILOVA

**Advokat tomonidan ishni olib borishga
ORDER**

1.	Order raqami	
2.	Advokatlik tuzilmasining nomi	
3.	Advokatlik tuzilmasining manzili va telefon raqami	
4.	Advokatning familiyasi, ismi va otasining ismi	
5.	Advokatlik guvohnomasining rekvizitlari (raqami, berilgan sanasi, kim tomonidan berilgan)	
6.	Advokatning litsenziya bo'yicha ixtisosligi (“ ✓ ” belgisini qo'yish orqali belgilanadi)	fuqarolik va iqtisodiy sud ishlarini yuritish ma'muriy va jinoiy sud ishlarini yuritish
7.	Order berishga asos (“ ✓ ” belgisini qo'yish orqali belgilanadi)	shartnoma (bitim) qaror (ajrim)
8.	Order berishga asos bo'lgan hujjat rasmiylashtirilgan sana	
9.	Ishonch bildiruvchi (himoya ostidagi) shaxsning familiyasi, ismi va otasining ismi yoki yuridik shaxs nomi	
10.	Yuridik yordam ko'rsatiladigan ish turi (“ ✓ ” belgisini qo'yish orqali belgilanadi)	fuqarolik ishi iqtisodiy ish ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risidagi ish ma'muriy ish jinoiy ish boshqa ish
11.	Order berilgan sana	
12.	Elektron order uchun QR-kod yoki qog'oz shakldagi order uchun advokatning imzosi va advokatlik tuzilmasining muhri	

Izoh:

1) order elektron yoki qog'oz shaklda rasmiylashtiriladi;
2) elektron shakldagi order “Yuridik yordam” axborot tizimida maxsus QR-kod qo'yilgan holda rasmiylashtiriladi. Ushbu QR-kodni skanerlash orqali orderning haqiqiyligi tekshirilishi mumkin;

3) qog'oz shakldagi order advokat tomonidan kompyuter texnikasi yordamida yoki qog'ozga chop etilgandan so'ng yozma shaklda to'ldiriladi hamda advokatning imzosi va advokatlik tuzilmasining muhri bilan tasdiqlanadi;

4) orderga advokat tomonidan mustaqil ravishda tartib raqami beriladi. Orderlarga raqamlar berilishi o'sib borish tartibida amalga oshiriladi va kalendar yilning boshidan yangidan boshlanadi. Order raqamlari "Yuridik yordam" axborot tizimida ro'yxatga olinadi;

5) qog'oz shakldagi order rasmiylashtirilgan sanadan e'tiboran o'n kun ichida "Yuridik yordam" axborot tizimiga kiritilishi shart, bundan mazkur bandning ikkinchi xatboshisida nazarda tutilgan holatlar mustasno. Qog'oz shaklidagi orderning barcha rekvizitlarining axborot tizimiga o'zgarishsiz kiritilishi ta'minlanadi.

2023-yil 1-fevraldan 2023-yil 1-aprelga qadar qog'oz shaklida rasmiylashtirilgan orderlar 2023-yil 10-aprel sanasiga qadar "Yuridik yordam" axborot tizimiga kiritiladi;

6) order shaklining 1 — 12-bandlaridagi ma'lumotlar to'liq to'ldirilmagan, lozim tarzda rasmiylashtirilmagan, yozuvlari o'chirilgan, chizilgan bo'lsa, u haqiqiy hisoblanmaydi;

7) orderdagi ma'lumotlarning to'g'riligiga orderni QR-kod bilan tasdiqlagan (imzolagan) advokat shaxsan javobgar hisoblanadi.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

36 Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил
2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 28 сентябрдаги 24/5-сон қарори (рўйхат рақами 3205, 2019 йил 19 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.12.2019 й., 10/19/3205/4177-сон) билан тасдиқланган Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга кирилади.

Раис

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 4 январь,
30/13-сон

Келишилди:

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

Д. ВАХАБОВ

2022 йил 29 декабрь

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 2 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 21 январдаги 1/13-сон «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 31 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3224-2.

2. O'zbekiston Respublikasi adliya vazirining 2023-yil 31-yanvardagi 1-mh-son "Advokat tomonidan ishni olib borishga order shaklini tasdiqlash to'g'risida"gi buyrug'i.

2023-yil 31-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3417.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 4 январдаги 30/13-сон «Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг қарз юкини тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2023 йил 2 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3205-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сон «Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1938, 2009 йил 8 апрель).

2023 йил 31 январда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.